



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

2021 йил — ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 4 март, № 45 (7825)

Пайшанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН ЕТИШМОВЧИЛИК БЎЛМАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 3 март куни уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Аҳоли сони ўсиши билан уй-жойга эҳтиёж ҳам ошиши табиий. Шавкат Мирзиёев Президент вазифасига киришган илк палларданок бу долзарб масалани алоҳида эътиборга олиб, одамларни уй билан таъминлаш чораларини кўрди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги қарорига кўра, қишлоқларда, 22 ноябрдаги қарори билан эса шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш бўйича дастурлар қабул қилинди. Улар асосида, утган турт йилда 140 мингга уй-жой барпо этилди. Ийлиги қурилган уйлarning ўртача сони таққосланганда, бу аввалги даврдаги кўрсаткичдан 4-5 баравар кўпдир.

Лекин шу билан қелаклиб қолинмайди. Уйга эҳтиёжи бор оилалар ҳали ҳам кўп. Бу бўйича халқдан мурожаатлар бўлмоқда. Яна минглаб уй-жойлар барпо этиш, лойиҳа ва қурилиш сифатини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлашни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Видеоселектор йиғилишида шу бордаги вазифалар муҳофизат қилинди.

Президент аҳолининг барча қатламларини уй-жой билан таъминлаш, бу борада танлаш имкониятини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда жорий йилда 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш мўлжалланмоқда. Жумладан, давлат ипотека дастури доирасида жами 45 мингга уй қурилади.

Шундан “Қишлоқ қурилиш инвест” ва “Узашарқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниялари томонидан 12 мингга уй, Молия вазирлиги тижорат банкларига жойлаштирилган ресурслар ҳисобига 26 минг 500 та квартира, хусусий тадбиркорлар томонидан қурилайётган 8 мингга хонадон фойдаланишга топширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун 500 тағача, жами 6,5 мингга оилага кредит берилди. Бундан ташқари, огир турмуш шароитига тўғиб, бошпанасиз қолган мингта оила, айниқса, аёлларга ижара асосида ижтимоий уй-жойлар ажратилади.

Худудлар миқёсида айтганда, Қорақалпоғистонда 2290 та, Андижонда 4665 та, Бухорода 3220 та, Жиззахда 1670 та, Қашқадарёда 3710 та, Навоийда 1836 та, Наманганда 4025 та, Самарқандда 4479 та, Сурхондарёда 3989 та, Сирдарёда 1414 та, Тошкент вилоятида 4046 та, Фарғонада 4530 та, Хоразмда 3016 та ва Тошкент шаҳрида 7556 та уй-жой қуриб битказилади.

— Бугунги кунгача бундай ҳажмдаги қурилиш дастурини амалга оширмаганмиз. Шунинг учун ҳар бир вилоят ҳокими уй-жой масаласи билан чуқур шуғулланиб, аниқ ҳисоб-китобга эга бўлиши керак. Энг катта масала — бу уй-жойларнинг нархини адолатли шакллантириш. Бугунги нарх-наводан одамларимиз рози эмас, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунинг учун вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига қурилиш материалларини арзонроқ ва яқинроқдан олиб, бир квадрат метр уй нархини 4 миллион сўмдан оширмастик чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

Масалан, газобетон блокларини жойларда ишлаб чиқариш орқали тан-нархни камайтириш мумкин. Шу боис “Узстандард” агентлигига ҳар бир ҳудудда газобетон ишлаб чиқарувчи-

ларни стандартларга ўргатиб, маҳсулотларини сертифицикация бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда қурилиш ишларининг молиявий манбалари ҳам кўриб чиқилди. Жорий йилда аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури доирасида 11 триллион 500 миллиард сўм маблағ ажратилиши таъкидланди.

— Бу йилдан бошлаб, ипотека кредити бўйича молиявий ресурслардан етишмовчилик ва чекловлар бўлмайди, худудлар қўшимча тақлиф билан чиқса, ижобий хал қилинади, — деди давлатимиз раҳбари.

Фўқароларга яқка тартибда уй қуриш ва реконструкция қилиш учун ҳам кредит ажратилиши белгиланди. Бундай кредитлар 20 йилга ажратилади, эҳтиёмжанд аҳоли учун фойзнинг бир қисми субсидия сифатида тўлаб берилди. Молия вазирлигига ушбу йўналиш учун 1,5 триллион сўм ресурс ажратиш, вилоят ҳокимларига қайси туманда қанча оилга кўмак бериш масаласини ҳал этиш вазифаси қўйилди.

Уй-жойлар қурилиши учун давлат томонидан ҳам аҳолига, ҳам қурувчиларга катта имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, жорий йилда ипотека кредити бўйича 6 ойлик имтиёзли давр киритилди. Шаҳарларда дастлабки бадал миқдори 20 фойздан 15 фойзга туширилади.

Паст даромадли, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга 15 фойзлик дастлабки бадалнинг 10 фойзи субсидия сифатида тўлаб берилди. Яъни аҳоли уй олиш учун дастлабки бадалнинг 5 фойзини тўлайди, холос.

Кредит олган аҳоли учун фойз тўловларининг Тошкент шаҳрида 12 фойзи, бошқа ҳудудларда 10 фойздан юқори қисмига субсидия берилди.

Шунингдек, қурувчи ташкилотларга пандемия даврида берилган имтиёзлар жорий йил якунигача узайтирилиши маълум қилинди. Жумладан, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қурувчи ташкилотларга уй-жой қуриш учун жалб қилинган кредитлар бўйича 20 миллиард сўмгача кафилият ҳамда Марказий банк асосий ставкасидан ошган қисмига компенсация берилди.

Йиғилишда огир турмуш шароитидаги оилаларни ижтимоий ижара асосида уй билан таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бунинг учун худудларга мингта квартира сотиб олиш учун маблағ ажратилиши қайд қилинди.

Шу билан чеклаиб қолмай, ижтимоий ижарани кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Мисол учун хусусий уйлар ижара ҳақининг бир қисмига субсидия бериш ёки фойдаланилмаётган ётоқхоналарни таъмирлаб, ижтимоий ижарга ажратилиши мумкин.

Мутасаддиларга бу борадаги тартибни яхшилаш чикши ва энг муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириш бўйича топшириқ берилди.

— Энг муҳим масала берилмаётган имтиёзларни ҳалол-поқ қўллаш бўйича адолатли тизим яратиш, бу борада одамларимизнинг ҳабардорлигини ошириш зарур, — деди Президент.

Шу мақсадда маҳаллий Кенгаш депутатлари, жамоат фаоллари иш-

тироқида “халқпарвар комиссия” ташкил этиш тақлифи билдирилди. Улар қурувчига ерининг адолатли ажратилиши, имтиёзга мос эҳтиёмжанд оилалар рўйхатининг шаклланиши ва қурилишлар сифати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади. Янги тизим асосида соҳада яратилаётган имкониятлар маҳаллаларда кенг аҳолига етказилади.

Молия вазирлигига 1 июнга қадар субсидия тўланадиган фуқароларни ижтимоий мезонлар асосида танлаш ва субсидия тўлаш жараёнларини автотомлаштириш вазифаси юклатилди. Ахборот технологиялари ва коммуникцияларини ривожлантириш вазирлигига 1 майгача кредит бериш ва субсидия олиш тартиблари, уй-жойлар ҳамда қурувчилар ҳақидаги маълумотларни қамраб олувчи ипотека веб-порталини ишга тушириш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш сифати масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир лойиҳа ипотека веб-порталига жойлаштирилиши ва барча учун очик эълон қилиниши, уйлarning бўлажак эгаси сифатини назорат қилиш имконига эга бўлиши кераклиги таъкидланди.

Уйлар қурилишига салоҳиятли мутахассислар, замонавий моддий-техник базига эга, молиявий барқарор пулдар ташкилотларини рейтинг тизимини асосида жалб қилиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Янги тартиб асосида қуриладиган уйлар бўйича техник назоратни амалга ошириш ҳудудлардаги Ягона буюртмачи хизматига юклатилди.

Йиғилишда муҳофизат қилинган масалалар юзасидан соҳа ва худудлар раҳбарлари ахборот берди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БАА ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон — БАА ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари олий даражада, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция ва молия соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш борасида иккала томоннинг фол саъй-ҳаракатларини мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистонда пандемия оқибатларини ениб ўтишда Амирликлар ҳукумати томонидан кўрсатилган ёрдам учун самимий миннатдорлик билдирилди.

Ўз навбатида, вазир Суҳайл ал-Мазруий давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Халифа Ол Наҳаён, Абу-Даби Амирлиги валяҳиди, БАА Куроли Кулҳари Олий бош кўмондонни ўринбосари Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва БАА Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди, шунингдек, мамлакатимизда БАА инвесторларининг фаолиятини хар томонлама қўллаб-қувватланётгани учун миннатдорлик билдирди.

Суҳбатда хусусий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, Амирликлар бозори ва учинчи мамлакатларга етказиш бўйича агроносот тармоғида қўшма лойиҳаларни илгари суршига алоҳида эътибор қаратилди.

Муқобил энергиядан фойдаланиш соҳасида, энергетика ва бошқа муҳим инфратузилма объектларини модернизация қилиш, замонавий меҳмонхона мажмуаларини барпо этиш бўйича йирик лойиҳаларни фаол ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давом эттиришга, шунингдек, янги ишбилармонлик ташаббуслари доирасида инвестицияларни портфелини кенгайтириш ва молиявий-техник кўмак дастурларини рўйбга чиқаришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, таълим соҳасида самарали ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда Бирлашган Араб Амирликларининг етакчи ташкилотлари иштирокида бошқарув соҳасида миллий кадрларни тайёрлаш муҳим экани таъкидланди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИДА НУТҚ СЎЗЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 март куни видеонамуна шаклида ўтадиган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) 14-саммити ишида иштирок этади.

1985 йилда ташкил этилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бугунги кунда нуфузли милтақавий бирлашма хисобланади. Ушбу кўп томонлама тузилманин асосий мақсади савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт, коммуникциялар, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва санот каби устувор йўналишларда ҳамкорлиқни ривожлантиришдан иборат.

Бугунги кунда 10 та давлат ИХТга аъзо. Булар — Ўзбекистон, Туркия, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон ва Афғонистон.

Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган раислигида ўтадиган учрашуви кун тартибидан COVID-19 дан кейинги даврда минтақада амалий ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз нутқида минтақавий шериклиқни ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён этиши, шунингдек, пандемия оқибатларини ениб ўтиш, савдо алоқаларини тиклаш, санот кооперациясини қучайтириш, транспорт ва логистика, озик-овқат ҳафсизлиги соҳаларида қўшма дастурларни амалга ошириш, “яшил” иқтисодиёт ва молиявий ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича қатор тақлифларни илгари суриши кутилмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ЭРКИКЛИГИ, ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолигини ошириш давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида белгиланган.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, оруз-интилишларини қўллаб-қувватлаш, ўзининг иқтидорини ва ибратли фаолиятини билан ёшларга ўрнак бўлиб келатгани, турли соҳа ва тармоқларда қўбилият ва имкониятларини рўйбга чиқараётгани, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятини намойен этиб, ўз фоя ва ташаббусларини илгари сураётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Зулфия

номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зуққолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маълумлансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган

байрам тантаналарида соевиндорлик дипломлари ва кўрақ нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти соевиндорларининг хар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридан пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти сохибаларининг иб-

ратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2021 йил 3 март

## Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар Рўйхати

- Каримбоева Шаҳзода Камолатдин қизи** — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси
- Оразбаева Гулсанем Жалғасбай қизи** — Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси
- Комилова Меҳриноз Ойбекжон қизи** — Андижон давлат тиббиёт институтининг 2-босқич магистранти
- Раҳимовна Гуллаёхон Шўхратжон қизи** — Андижон давлат университетининг 3-босқич талабаси
- Салимова Амира Суннатжон қизи** — Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси
- Умаркулова Динора Шерали қизи** — Бухоро давлат университетининг 4-босқич талабаси
- Имомова Дилдора Шўхрат қизи** — Жиззах политехника институтининг 4-босқич талабаси
- Мамарасулова Муқаддас Абдулқосим қизи** — Жиззах давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси
- Аҳматова Ситорабон Зоҳиджон қизи** — Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг 4-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)
- Бердиева Ирода Худайшукуровна** — Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич магистранти (Қашқадарё вилояти)

- Ибодуллаева Нафиса Муҳитдиновна** — Навоий давлат педагогика институтининг таянч докторанти
- Шомуротова Нодирабегим Одилновна** — Навоий вилояти Навоий шаҳридаги иқтисослаштирилган маданият мактабининг 10-синф ўқувчиси
- Абдуллаева Манзура Насибилло қизи** — Наманган давлат университетининг 2-босқич магистранти
- Хушазарова Айшахон Адҳамжон қизи** — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси (Наманган вилояти)
- Ҳайруллаева Феруза Нурмат қизи** — «Республика ёш ижодкорлар кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилоти матбуот котиби (Самарқанд вилояти)
- Шомуродова Моҳнисно Шавкат қизи** — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2-босқич талабаси (Самарқанд вилояти)
- Суннатова Мадина Гофуржон қизи** — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)
- Ҳожибоева Сарвиноз Ҳабибжон қизи** — Гулистон давлат университетининг 3-босқич талабаси
- Комилжоновна Нилуфар Шўхрат қизи** — Термиз давлат университетининг 3-босқич талабаси

- Омонова Умида Шўхрат қизи** — Ўзбекистон шахмат федерациясининг Халқаро шахмат академияси спортчи-ўқувчиси (Сурхондарё вилояти)
- Дехқонова Мадинабону Дилшод қизи** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 2-босқич талабаси (Тошкент вилояти)
- Назарова Зилола Эргашбой қизи** — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги «Барқамол авлод» болалар мактаби тўғарақ раҳбари
- Йўлдошева Фарзона Бахтиёр қизи** — Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги иқтисослаштирилган санъат мактабининг 10-синф ўқувчиси
- Турсунова Дилнозахон Исроилжон қизи** — Фарғона политехника институтининг 4-босқич талабаси
- Жумабоева Шаҳзода Неъматжон қизи** — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 10-иқтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси
- Каримова Мадина Жуманазаровна** — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси
- Ким Юлия Олеговна** — Республика олий спорт маҳорати мактабининг фигурали учин бўйича мураббийи (Тошкент шаҳри)
- Рахимовна Сайёра Янвир қизи** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг 4-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ички истеъмол бозорида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик, паррандачилик ва балқиччилик озуқа базасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардoshi маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларнинг кенг жорий этиш мақсадида:

1. Белгилансинки:  
2021 йил 1 мартдан бошлаб Тадбир-

корлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг компенсация ва кафилигидан фойдаланган чорвачилик, паррандачилик, балқиччилик ва күнеличилик йўналишидаги кредити бўйича тўловларни ўз вақтида қайтараётган тадбиркорлик субъектларига, уларнинг кредит бўйича қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча, янги кредитлар бўйича жамғарманин кафилигидан яна фойдаланишга рухсат берилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4243-сон қарори 2-бандига мувофиқ берилган имтиёзлар чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча ҳўжалик субъектларига ва омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан ҳам таъбиқ этилади;

2021 йил 1 январдан бошлаб 2024 йил 1 январга қадар насрчилик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фойзалардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фойзи миқдоридан қўлланади.

(Давоми 2-бетда). >>>

(Давоми 2-бетда). >>>





# ТАФАККУРНИНГ 64 НУҚТАСИ — БИЛИМЛАР ОЛАМИГА ОЛИБ БОРУВЧИ ЭНГ ЖОЗИБАЛИ ЙЎЛ



Хар бир инсон қалбидаги эзгу орзулар улғу мақсадлар сари бошлайди. Айниқса, болаликнинг беғубор дамларидаги беадоқ хайрли ниятлар узлуқсиз тарбия билан тартибли йўналиш олиб, бир-биридан юксак погоналарни забт этишга қўралади.

## Ақл «машъала»лари қандай ёқилмоқда?

Масалан, жамиятда инсоннинг бутун умр илим олиши учун барча шароитларни яратиб бериш, маърифатли давлат сўбатини юритиш, бола онгу шунга гўдаклигиданки зив олиб кириш ёрдамида ақл «машъала»ларини ёқиш, марраларга эришиш мумкин. Бу жуда машъалли, аммо шарофли йўл, узоқ вақт сарфланган вазифа, оғир меҳнат, тараққиёт шарт, замон талабидир.

Кузатаётган бўлсангиз, Ўзбекистонда кейинги йилларда илим-фан, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ана шу қатъият, интилиш ўз ифодасини топиб борапти. Бу учинчи Ренессанс қўбши уйғонаётганидан далолатдир.

Кувонарлиси, келажак авлод камолоти йўлида нафақат улари эрта ёшдан китобга ошурфта этиш, тил ўргатиш, қўл-кўлашнинг ҳаётдаги макomini тубдан қўтариш, улари қўллаб-қувватлаш, янги боғчалар, мактаблар қуриш, ота-оналарнинг дунёқаролини ўзгартириш ва жаовбарлигини ошириш, мазкур вазибаларга масъул соҳаларда коррупцияни йўқотиш каби аънаваный усуллар қўлланилганди, балки ностандарт, аммо ижобий натижа берадиган тамойилларга ҳам мурожаат қилинмоқда.

Улардан бири мамлакатда, айниқса, ёшлар ўртасида шахматни оммалаштириш билан боғлиқ, Бу беҳиз эмас. Зеро, муомтоз тилда айтганда, шатранж инсонда нафақат ақлий салохият ва мантиқни юксалтиради, балки руҳиятни ҳам чиниктирди.

## «Пиёда»дан «фарзин»га айланарди санъати

Бу аслида бобомерос қадрият ҳамдир. Зотан, буюқ аждодимиз, ҳарб санъатининг етуқ саркардаси Амир Темурут нафақат жанг майдониди, балки оқ-қора катаклар устида от суриниш ёқтирганнинг ўзиёқ кўп нарсани аналгатади. Айрим манбаларда Соҳибқирон, ҳатто ўз шахматини яратгани айтади. У тарихда Темурут шатранжи номи билан машҳурдир.

Ўзи бошқарган давлатни оқилона сиёсати, стратегик фикрлаши ва аниқ ислохотларни асосида тараққиётнинг юксак қўқиларига олиб чиққан етакчилар эса халқроқ сиёсат майдонининг «гроссмейстерлари», деб аталиши ҳам

харакатларини олдиндан билиш имконсиздир. Улар сизга ҳеч қандай сабабсиз, муддаосиз, режасиз зарар етказадиди. Энг кутилмаган жойда, энг ноқулай пайтда пайдо бўлади», деб ёзади.

Хитойлик файласуф Конфуций эса билимсизликни энг қоронғу тунга ўхшатади... Хуш, бундай иллатга қарши қандай кураш олиб бориш мумкин? Аниқ ва синалган йўллари бормиди? Албатта, бор.

## Идеаллик эмас, аммо унга олиб борувчи йўл

Шахмат ўйини асосида яна бир яхши фазилатга эга бўласиз. У баркамолликка интилишдир. Мисол учун, сиз беллашувда галаба қозонингиз, аммо ундан қониқмаслигингиз мумкин. Бу ҳам аслида ўйин билан боғлиқ доимий рефлексиадир. Чунки борган сари инсонда асосийси галаба эмас, балки яхши ўйнашга бўлган интилиш кучайиб бораверади.

Чиройли ўтказилган баҳс, у хоҳ дуранг ва ҳатто мағлубият билан тугаса ҳам, кишига баъзан галабадан кўра кўпроқ хузурут, ички қониқлиқ, интеллектуал «десурт» баҳс этиши мумкин.

Шатранж, ўз навбатида, стрессга нисбатан чидамли бўлиш лаёқатини шакллантиради. Шундай дамлар бўладики, сиз узоқ вақт совуққонликни сақлаб туришингиз шарт. Сабаби беллашувда доим ҳам ҳаммаси режадагидек кетмайди. Боз устига, рақибнинг режаси сизникига нисбатан муваффақиятлироқ бўлиши, у сиз кутмаган бирор янгликни ўйлаб топиши ҳам мумкин. Мана шундай ҳолатдан чиқиб кетиш учун ҳақиқий ирода керак бўлади.

Айтиш жоизки, ҳаёт ҳам шахмат каби. Зотан, турмушда ҳам айнан руҳий зарбаларга чидамли бўлиш, тушкунликни енгиб чиқиш ёки уни четлаб ўтиш, «йилкилганда» яна ўрнидан тура олиш кучли инсонларгагина хосдир. Шахмат инсонда ана шу жиҳатларни тоблади. Ҳаёт синовларида бўлгани каби, шахмат тахтаси устида ҳам ўйин ўз режаси асосида кетмаётганини кўрган одамларда ўзини йўқотиб қўйиш ҳолати тез-тез кузатилади. Тахтада нима бўлишидан қатъи назар, ўзини дадил ва тетик тутиб, тушкунликни оқ тутмаганларда эса ютуққа эришиш имконияти катта бўлади.

Яна бир томони: шахмат ўйини давомиди рақиблар ўртасида сўзсиз мулоқот кечади. Бу эса актёрлик маҳоратини талаб қилади. Чунки сиз ўз ҳис-туйғуларингиз, нимани ўйлаётганингни қарама-қарши тарафга билдириб қўймаслигингиз керак.

Шахматнинг энг катта фойдасидан бири, бу, мағлубиятни муносиб қарши олиш, ундан оқилона хулоса чиқаришга уланишига бориб тақалади. Дастлаб ютуқизиб қўйганингиз, «рақибдан кўра интеллектуал даражама паст экан», деб ўйлаб қоласиз. Бу, жуда ёқимсиз туйғу, шундай эҳмасми?

Аслида эса бу ҳисни унуттиш ва енгиб шарт — кечиктиришга ҳаққингиз йўқ. Бундай қобилият эса ҳаётда ҳам ёрдам беради.



маган эди. Комилликка интилишнинг дастлабки қадамлари ҳам аслида мана шундай бошланади.

## Учтаси биттада уйғунлашган ёки Альцгеймернинг универсал душмани

Хуш, мана шундай жиҳатларга эга шахмат спортини, илми ёки санъат? Бу аслида аниқ жавобсиз абадий савол бўлса керак.

Фикримизча, ҳақиқий шахматчи ҳар учаласини ўзида уйғунлаштири олиши керак. Дебютта тайёргарлик қўриш, режаралар тузиш, ғояларни топиш ва позицияларни эгаллашда илм қўл келади. Чунки бу математик аниқлиқни талаб қилади.

Шахмат спорт ҳамдир. Боиси, масалан, олти соат ичида деярли қимирламай, сабр билан масалани ечиш жуда қийин. Боз устига, танада юқори даражадаги адреналин ва руҳий «вахожат» кезиб юради. Ҳиссий ҳолат жуда баланд бўлса-да, ҳаракатлана олмасанг, қийин-да. Масалан, футболда ҳажонлар ҳаракат орқали қиқариб юбориладиди. Шахматда эса бундай эмас. Бунги гопидиамас юккланиш дейиладиди. Яъни ҳаммаси сийратда рўй беради, ҳаракат эса чекланган ва туйғуларни физика билан чиқариб юборишнинг илжои йўқ.

Уйинчи қўллаб шубҳа-ғумонлар, ғоялар ва режаралар бир вақтингиз ўзида ўйлаши, ҳеч нарсани кўздан қочирмай, вариантларни аниқ белгилаб олиши қаторида ижод ҳам қилиши лозим. Демак, шахмат санъатидир. Чунки сиз ҳар бир партияда «илхом парилари» учиб юрган навбатдаги номаълум, бирок ниятда бепоён ҳудудга тушиб қоласиз. Режараларни қуриш, ғояларни бирлаштириш, улари татбиқ этиш ва натижасини баҳолашнинг ўзи катта маҳорат талаб қилади. Бу, таъбир жоиз бўлса, худди янги Мона Лизани чизиш. Шашмақомни қайта яратиш, дизель двигателини бошқатдан яшаш жараёнига ўхшайди. Ҳаммаси сценарий бўйича кетаётгандек бўлади, бирок яқунни сиз билмайсиз, кўрмайсиз.

Шахматни саломатлик гарови, деса ҳам бўлади. Бу, асосан, ёши катталар учун мос гапдир. Сабаби «ақл гимнастикаси»нинг кексалар учун энг катта афзаллиги, бу Альцгеймер касаллигига қарши курашишда ёрдам беришидир. Олимлар бунга амалда исботлашган. Қолаверса, у арифметик масалаларни ечишдан кўра фойдалироқ ва завқироқдир.

Уни ҳамма ўйнаши мумкин, у универсалдир. Шахмат уни касб қилганлар учун ҳам, касб қилмаганлар учун ҳам, юқорида айтганимиздек, бир нечта мақсадларга хизмат қила олади. Фикрлар, ҳис-туйғулар, ҳаёллар оламига гарқ бўлиш, бошқа реалликда ўзини синаб қўриш, ҳаёт ташвишларидан қалғиш, хотирани чарқашлаш...

У инсонда қатор фазилатларни шакллантиради — сабр-тоқат, ирода, қатъият, журмат, баркамолликка интилиш, кассукуллик, ҳалоллик ва ҳоказо. Ўз навбатида, ўйин, галаба, қийин вазиятлардан чиқиб кетиш роқатини беради.

Бунга бошидан ўтказганлар жуда яхши биладиди...

## Хар қандай вазиятда ҳам хизматга тайёр

Қарангки, пандемия пайтида ҳам шахмат кўпчилик учун қўл келмоқда. Коронавирус сабаб жорий этилган чеклов чоралари кўпчиликни қийнаб қўйгани, уйида қолганини, ёлғизлаштириб, зериктириб юборгани бор гап. Мана шундай пайтда одамлар вақтини оила-сизга, фарзандларига, китоб ўқиш, интэрнетда сайру савҳат қилиш, кино қўриш ва бошқа машғулотларга бағишлаб қилгани-ю, келаётгани сир эмас. Эйтиборлиси, бу даврда шахмат тахтаси қаршидада ўтирганлар, дон суриниш ўрганишни истайдиганлар сони ҳам кўпайди.

## 14 январь куни қабул қилинган «Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори бу йўлдаги эзгу саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз. Зотан, унга мувофиқ республикада шахматни 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) тасдиқланди. Бундан кўзланган мақсад — юртимизда шахмат билан мунтазам шуғулланувчилар сони 3 фоизга етказишдир.



бежиз эмас. Зеро, машҳур сиёсатчи Збингнев Бежинский таъбири билан айтганда, «буюқ шахмат тахтасида муносиб дон сурини» жуда катта маҳорат, ирода ва прагматизмга асосланган тафаккурни талаб этади. Қарангки, бундай етакчиларнинг кўпчилиги шахмат ўйнашни сиуйиш қаторида, мамлакатда мазкур спорт турини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратган ва бу аънава бугун ҳам давом этириляпти.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Наполеон Бонапарт, Жорж Вашингтон, Авраам Линколн, Уинстон Черчилл, Махатма Ганди, Вацлав Гавел каби ўз даврининг етуқ сиёсий вакиллари шахмат шинавандалари бўлган, улар бунга вақтингиз катта қисмини «шоҳ ва мот» санъатига бағишлаган.

Ҳамфори университетни томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра эса 1880 йилдан бошлаб АҚШ президентлигига демократлар партиясида сайланган Президентларнинг 89 фоизи, яъни ҳар 9 тасидан 8 нафари, республикачилардан эса 35 фоизи (ҳар 14 тасидан 5 нафари) ашаддий шахматчи бўлган. «Сингапур

чорлайди. Боиси унда энг керакли пайтда юқори даражадаги концентрацияни кўрсата олган ютади.

Ҳар шундаки, шахмат ўйнаётганда бошқа нарсалар ҳақида ўйлаш жуда қийин. Чунки у пайтда мия фақат партияга оид тафаккур, ғоя ва вариантлар билан банд бўлади. Мазкур жараёнга шунгиси эса ўйиннинг устун жиҳатларидан биридир. Бу эса айфонлар, интэрнет тармоқлари ҳуққорон бугунги даврда ҳиоятда муҳим, деб ўйлаيمان. Сабаби ҳозир биз доим чагиб юрамиз, бир вақтингиз ўзида 2-3 та ишни қилишга уринамиз. Амалда эса улари бирортасини яқунига етказса олмаймиз. Шахмат эса бунга йўл қўймайди — чагидингизми, ютказасиз. Демак, у диққатни жамлаш роқатини беради. У билан бир, икки, уч соат машғул бўлсангиз, барча нарсани унутасиз-у, гўё янгиланган дунёга тушиб қолгандек бўласиз.

Ўз навбатида, шахмат чекланган вақт ичида қарор қабул қилишга ўргатади. Сиз ўзингизга берилган муддатда энг оптимал ечимни топишингиз керак. Масалан, бир дақиқа ичида жуда қўллаб омиллари баҳолаб, энг тўғри йўлдан юришингиз

ўтишингиз ўзи катта санъатдир. Бу лаёқатни эгаллаш ички жараёнидан бошқаришда жуда фойдалидир. Натияжада сизда «инсон йиқилади, аммо аста-секин ўзига келади ва қаддини ростлаб, яна курашда давом этади», деган принцип шаклланади.

Шахматнинг бошқа бир омили ҳам борки, у том маънода ибратомуз. Яъни шахматда айбни бировага ағдарши қийин, ҳатони ташқаридан эмас, ўзидан излаш устувордир.

Ваҳоланки, азал-азалдан, айниқса, бугунги ўзгарилар пайтида ҳатони ўзидан эмас, ўзгалардан излайдиганлар ҳали-ҳануз кўп учраятти. Масалан, кимдир ота-онани нотўғри тарбия берганини, бошқа биров эса мактабда яхши ўқитишмагани ва ҳақозо ҳақида гапирганини кўп эшитганмиз. Шахматда эса ундай эмас — партияни ўзингиз ўйнадингизми, натижага ҳам ўзингиз жаовбарсан!

Ўз камчиликлари устида ишлаш — интеллектуал ва руҳий жиҳатдан такомиллаштириш бориш, ҳоли бўлиш демакдир.

Жаҳон чемпиони Александр Алёхин беҳиз «шахмат ҳалоллиқни ўргатади», де-

Халқ сўзи Народное слово. Бoш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 31 515 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.